

ДОРИВОР ГУЛХАЙРИ - АЛТЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ - ALTHAEA OFFICINALIS L ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Сайдаминов Хумойинмирзо Лазизбек ўгли Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши 21-65 гуруҳ талабаси,
Хўшбокова Мафтуна Абдусамад қизи манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши 21-65 гуруҳ талабаси,
Зубайдуллаева Камола Акмалжон қизи манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши 21-65 гуруҳ талабаси.*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ДОРИВОР ГУЛХАЙРИ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга ALTHAEA OFFICINALIS L нинг хом-ашёсини таёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган

Калит сўзлар: екиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши

Кириш. Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд дори-дармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий таъбиётда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80% ни табиий ҳолда

ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хомашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хомашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Ўсимликнинг тарқалиши. Доривор гулхайри дашт зоналарда ҳамда Ўрта Осиё ва Кавказнинг айрим худудларида тарқалган. Доривор гулхайри дашт зоналарининг нам билан яхши таъминланган жойларида, дарё, ариқ, кўл бўйларида, ўтлоқларда ўсади. Одатда бу ўсимлик унча катта бўлмаган гуруҳлар ҳосил қилади.

Агротехник тадбирлар. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гулхайри ҳавонинг ёзги куруклигига, тупроқнинг қисқа муддатли қуришига (илдиз тармоқлари яхши ривожланганлиги туфайли) бардош беради, шамолга чидамли, қишки совуқлардан талафот кўрмайди. Ўсимликка хос махсус зараркунанда ва касалликлар аниқланмаган. Доривор гулхайри тупроқнинг унумдорлиги ва таркибига бефарқ ўсимликдир. Доривор ўсимликларни ўстириш ва етиштириш дағи тупроқларда ўстириш мумкин. Фақат шўр тупроқли ва ботқоқ ерларни ёқтирмайди. Илдизи 2- ва 3-йили йиғиб олинади, уруғи олиннадиган далаларда экин 6-8 йил сақланади. Шу боисдан гулхайри полиз-сабзавот экинларидан бўшаган, бегона ўтлардан тозаланган майдонларга экилади. Кузги шудгорлаш вақтида ҳар гектар майдонга 90 кг дан суперфосфат ёки 40 кг дан гўнг солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади. Гулхайри уруғи эрта баҳорда (март) ёки кеч кузда (ноябрь) экилади. Кузда экилганда уруғ унувчанлиги яхши бўлади. Баҳорги экишда қийғос униши учун уруғ 2-3 соатча 20-25 даража илиқ сувда ивитиб қўйилади, кейин тўшалган брезент ёки бўз устига юпқа қилиб ёйилади, тез қуриши учун дам-бадам аралаштириб турилади. Сочилувчан ҳолга келгач, экилади. Уруғ қадаш чуқурлиги 1 см атрофида, қаторлар оралиғи 60-70 см, гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Сабзавот уруғи экиш ускунаси ёрдамида баҳялаб экилади. Майсаларида 3-5 тадан чин барг ҳосил бўлгач, эгат олинади ва кетма-кет сув қуйилади. Биринчи суғоришдан 7-10 кундан кейин ягана қилинади ва ҳар 1 метр масофада 5-7 тадан баравж ниҳоллар қолдирилади. Ниҳолларнинг бу даражада сийраклантирилиши ўсимликнинг дуркун бўлишини таъминлайди. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда ўсимлик бўйи 230-250, эни 110 смга етади. Гулхайри экилган майдон биринчи йили 4-5 марта юмшатилади (май-август), 8-10 марта суғорилади (май-1, июнь-2-3, июль-3, август-2, сентябрь-1). Иккинчи ва кейинги йилларда 6-8 марта суғорилади (июнь -2, июль -3, август -2, сентябрь - 1), 2-3 марта ўтоқ қилинади (май, июнь). Заруратга қараб ўсимликлар орасидаги бегона ўтлар қўл кучи билан ўталади. Гулхайри тўпларининг шох-шаббалари бир-бирига тутшиб кетганидан кейин

майда бегона ўтлар ўсимлик соясида қолиб қуриб кетади, ўсиб кетган бегона ўтларгина қўлда юлиб ташланади. Ўсимлик пояси қирқилмай, далада қишга қолдирилади, у қорни тутиб қолишда ёрдам беради, қор эриганида тупроқни ўйилиб кетишдан сақлайди. Ёхуд 10-15 см қолдириб, ўроқ машинада ўриб олинади ва молга озуқа сифатида берилади. Ўрилган поялар даладан йиғиб олинганча, баҳорда қатор оралари культиваторда юмшатилади, айти вақтда ҳар гектар ерга 60 кг дан азотли ўғитлар солинади (апрель - май бошларида). Шоналаш олдида (июнь бошлари), лекин ўсимлик шох-шаббалари туташиб кетгунига қадар, иккинчи марта азотли ўғит солинади. Гулхайри ҳаётининг иккинчи йили (июлнинг охири - август бошларида) мева тугади. Уруғлари поясининг 10 см дан 230 см гача баландлигида, асосий қисми 60-180 см оралиғида жойлашади. Меваси пишганидан кейин узоқ вақт тўқилмай туради, бу эса то август ойигача уруғ йиғиш имконини беради. Бунинг учун гулхайри поясининг мева жойлашган қисмлари ўроқ билан қирқилади, боғ-боғ қилиб, хирмонга олиб борилади. Хирмонда ғалла янчийдиган тўқмоқда янчилади. Уруғлари дон совургичда тозаланиб, элангач, қопларга жойланади. Илдизи иккинчи йили, октябрь ойида ёки эрта баҳорда, поялари даладан мола, лавлаги йиғадиган ёки картошка қовлайдиган машина ёрдамида йиғиб олинганидан кейин қазилади. Қуриган илдиз 20-25 кг дан қилиб қопга, 50 кг дан қилиб қутиларга жойланади ва қуруқ, ҳаво алмашиб турадиган хонада 3 йилгача сақланади. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 20-22 центнерни ташкил этади. 13 41-китоб Доривор ўсимликларни ўстириш ва етиштириш

Тавсиялар. Республикамиздаги барча турдаги тупроқларда ўстириш мумкин. Фақат шўр тупроқли ва ботқоқ ерларни ёқтирмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуназаров Э.Э. Интродукция и биоэкологические особенности *Valeriana officinalis* L. в условиях Ташкентского оазиса. Дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент: АН РУз. 2010.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – с. 444.
3. Ахмедов Э.Т. *Mandragora turcomaica* Mizg. Нинг Тошкент воҳаси шароитида интродукцияси.: Дис. Автореф..... биол. фан. ном. – Тошкент: Ўз РФА 2002. – б. 138.
4. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б. Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий - конференция материаллари. – Хива: ХМА, 2003. – б. 12-15.

5. Бадалов М. М. Некоторые результаты вегетативного размножения солодки голой на засоленных землях Голодной степи //Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1970. – с. 131-138.
6. Бадалов М. М. Развития солодки при разных сроках посадки // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1973а.– с. 132-137.
7. Юлдашева Х.Т. Олива – новая культура в Узбекистане. -Волгоград,2014.
8. Дудченко Л. Г., Козьяков А. С., Кривенко В. В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-12-000483-0.
9. Ароматы и запахи в культуре: В 2 кн. / Сост. О. Б. Вайнштейн. М.: Новое лит. обозрение, 2003.
10. Всё о лекарственных растениях на ваших грядках / Под ред. Раделова С. Ю.. — СПб.: ООО «СЗКЭО», 2010. — С. 146—148. — 224 с. — ISBN 978-5-9603-0124-4.